

СТЕАМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА БОЛАЛАРНИ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7833937>

Х.А.Мелиев

Жиззах ДПУ, профессор

Ш.Б.Қосимова

ЖиззахДПУ, магистр

Аннотация.

Мазкур мақола ёш авлодни ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш, таълим мазмунини замонавий педагогик воситалар асосида модернизациялаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликнинг дидактик шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган.

Калит сўзлар.

таълим, шахс, инновация, технология, тараққиёт, ривожлантириш, таҳлил, ижодий қобилият, болалар, мактабгача таълим ташиқилоти.

Аннотация.

Данная статья призвана направить подрастающее поколение на развитие своих творческих способностей, модернизировать содержание образования на основе современных педагогических средств, определить дидактические условия проявления инициативы и творчества в обучении.

Ключевые слова.

образование, личность, инновации, технологии, развитие, развитие, анализ, творчество, дети, дошкольная образовательная организация.

Abstract.

This article aims to direct the young generation to the development of their creative abilities, to modernize the content of education based on modern pedagogical tools, to determine the didactic conditions of initiative and creativity in education.

Keywords.

education, personality, innovation, technology, development, development, analysis, creativity, children, preschool educational organization

Дунёда таълимни инсонпарварлаштириш ҳозирги тараққиёт ва цивилизациянинг мақсадли тамойилларидан бири сифатида эътироф

этилиб, таълим олувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг замонавий тенденциялари таҳлили шуни кўрсатадики, таълим олувчиларда ижодий қобилиятларини ривожлантириш методика жиҳатлари илмий-педагогик жиҳатдан етарлича асосланмаган. Бу эса ўз навбатида ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ҳамкорликка асосланган инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек мактабгача таълим ташкилотини мактабгача тайёрлов гуруҳ болаларини мактаб таълимига тайёрлаш тизимини шакллантириш тақозо этмоқда.

Жаҳонда ёш авлодни ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш, таълим мазмунини замонавий педагогик воситалар асосида модернизациялаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликнинг дидактик шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқот амалга оширилмоқда.

Хусусан, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар томонлама мактабга тайёрлаш тизимини шакллантириш болаларни ташкилотчилик ижодий ёндошиш, ақлий, жисмоний ва сабрлик фаолиятларига тайёгарлиги масалаларига қаратилган илмий-тадқиқотлар натижалари муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун мактабга бораётган болаларни ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг воситаларини аниқлаш зарурияти юзага келмоқда.

Болаларни ижодий қобилиятларини шакллантиришда бир қанча воситалардан фойдаланиб келинмоқда, лекин замонавий воситалардан STEAM технологиялари бутун жаҳонда оммавийлашиб бормоқда.

АҚШ, Сингапур, Корея, Австралия, Хитой, Буюк Британия, Финландия ва Исроил каби кўпгина мамлакатларда “Таълимда STEAM технологиялари” дастурлари ишлаб чиқилди.

STEAM таълимини ўтган асрнинг 90-йилларида Америкада пайдо бўлган деб ишонади, лекин бир қанча адабиётларда анча олдин бошланганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган. Қўшма штатларда STEAM таълимининг фаол ривожланиши 1957 йилда Совет сунъий йўлдоши ўчирилгандан кейин бошланган.

STEAM таълим нафақат АҚШ ва Европадаги таълим муассасаларида жорий этиш билан мустақил давлатлар ҳамдўстлик мамлакатларида жумладан, Қозоқистонда, Ўзбекстонда ҳам фаол ривожлана бошлади.

Россия федерацияси 2016-2020 йилларда таълимни ривожлантириш Давлат дастури қабул қилиниб, Президент В.В.Путин Федерал Мажлисига муурожаатида Россия Федерациясида муҳандислик таълимини жаҳон даражасига олиб чиқиш кераклигини таъкидлади.

2016-2018-йилларда Москва болалик, оила ва таълимни ўрганиш институт олимлари томонидан “Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар учун STEAM таълими” дастурини ишлаб чиқди ва синовдан ўтказилиб ҳаётга тадбиқ этилди, шунингдек Россияда STEAM таълимини ривожлантириш ва тарғиб қилишга ёрдам бериш мақсадида “Ўйлаб кўринг” журнали ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ўқимишли, билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг ислохотлар, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим тизими фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Шу билан бирга таълим сифатини оширишдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг сифатини илмий асосида бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонда 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич мактабгача, умумўрта таълим муассасаларида болалар-ўқувчиларни умуминсоний ва миллий кадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалари, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга қўёналтирилган таълим датурларини амалиётга киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини ривожлантириш, замонавий мутахассисларни тайёрлаш, хорижий илғор тажрибаларни таълим тизимига тадбиқ қилишда хусуан мактабгача таълим бўғинида жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Рақамли трансформация шароитида ушбу ўзгаришлар мактабгача таълимнинг ташкилий ва мазмунли жиҳатларига таъсир кўрсатди. Яна шуни таъкидлаш жоизки “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ишлаб чиқишда таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган

ахборот технологияларини жорий этиш шартлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори асосида Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Президент мактаблари очилди. Улар STEAM – таълим фанлараро ўқитишга ихтисослашган. STEAM-мактаб ўқувчиларини янги ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тизим ҳисобланади. У болаларнинг бир вақтнинг ўзида Science (табиий фанлар), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) Mathematicc (математика) бўйича ўқитиш тизимига асосланган, бунда ўқувчилар амалий ва кўнгилочар лойиҳалар машғулотлари ёрдамида сабоқ оладилар. Ушбу йўналишлар замонавий дунёда энг машҳур бўлиб келётганини ҳаммамизга маълум. Шунинг учун бугунги кунда STEAM тизими асосий тенеденциялардан бири сифатида ривожланмоқда. STEAM таълим йўналиши ва амалий ёндашувни қўллаш, шунингдек, барча бешта соҳани ягона таълим тизимига интеграциялашувга асосланган.

Мактабгача таълим ташкилотларида STEAM технологиялари воситасида тарбияланувчиларни ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш 2014 йилда Қуддусда бўлиб ўтган “STEAM formard” халқаро конференцияси баёнотида “Болаларни STEAMга жалб қилиш. Ушбу таълим мактабгача ёшдан бошлаб бошланиши керак, шунинг учун дастурларини болалар боғчаларига киритиш кераклиги бўйича қарор қабул қилинган.

Мактабгача таълим ташкилотларида STEAM ёндашувининг асосий ғояси қуйидагича:

- амалий, назарий билимлар каби муҳимдир:

-болалар машғулотлар жараёнида фақат ўз ақлини, балки қўлларини ҳам ишлатишга мажбур бўладилар;

-машғулотлар ҳонасида таълим фаолияти жараёни, жадал ривожланаётган таълим оламдаги ўзгаришларида ортда қолмоқда;

-болалар бешта соҳаси компетенциялари бўйича ижодий қобилиятларини шакллантиришга имкониятлар яратилади;

- болалар билимларини мустақил эгаллашга шарт-шароитлар яратилади.

Умуман хулоса қилиб айтганда STEAM мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларни оддий тажрибалар ўтказиш, моделларни конструкциялаш элементлари, мусиқа ва ҳар хил мустақил шакллар, ўйин

яратиш, ўз ғояларини амалга ошириш ва тайёрланган маҳсулотлар яратишни рағбатлантиради.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси “Илк кадам” Мактабгача таълим ташкилотининг Давлат ўқув дастури. Т.: БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЭФ), 2018.
2. Т.С.Волосовес, В.А.Маркова, С.А.Аверина. СТЭМ-образование детей дошкольного и младшего школьного возраста. М.БИНОМ. Лаборатория знаний 2019 г. 120 с.
3. Евдокимова Е.С. Технология проектирования в ДОУ Е.С.Евдокимова. – М.: Ц Сфера, 2006. – 64 с.
4. Г.Богданович. Дополнительная обще развивающая программа «Мулт-студия «Мой мир» Свердловская област, 2018 г. 40 с.
5. Шипулина Е.Р. “Таълимда STEAM технологиялари” курси асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш. Екатеринбург. 2020 й. 36 б.
6. [www. тдпу. уз](http://www.tdpu.uz)
7. www. педагог. уз
8. www. зиёнет. уз
9. www. баббледаббледо.ком/стеам-прожест/